



ЎЗБЕКИСТОН — ҚАТАР: ФАОЛ МУЛОҚОТ ВА АЛМАШИНУВЛАР НАТИЖАЛАРИ ИЖОБИЙ БАҲОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёев Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний билан 17 декабрь куни қилган телефон орқали суҳбатда олий даражадаги келишувларни амалга ошириш ва инвестиция лойиҳаларини илгари суриш масалалари диққат марказида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Қатар Амири билан миллий байрам — Давлатга асос солинган кун билан самимий кутлаб, унга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақиятлар, дўст Қатар халқига эса тинчлик-осойишталик ва равнақ тилади.

Кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни мустақамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

ФАОЛ МУЛОҚОТ ВА АЛМАШИНУВЛАР НАТИЖАЛАРИ ИЖОБИЙ БАҲОЛАНДИ. Жорий йилнинг ноябрь ойида Доҳа шаҳрида Ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи йиғилиши ва бизнес форуми самарали ўтди. Октябр ойида Тошкент шаҳрида Қатар маданияти ҳафталиги тадбирлари муваффақиятли ташкил этилди.

Қатарнинг етакчи компаниялари иштирокида энергетика, транспорт ва

туризм инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа устувор йўналишларда инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Пойтахтлар ўртасида мунтазам тўғридан-тўғри авиақатновлар йўлга қўйилгани ўзаро сайёҳлар оқимини оширишга хизмат қилмоқда.

Суҳбат чоғида давлат раҳбарлари 2025 йилда бўлажак тадбирлар режасига, шу жумладан, “Марказий Осиё — Кўрғаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” мулоқотининг иккинчи саммитини ўтказишга алоҳида эътибор қаратдилар.

Халқаро кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ЕЧИМИ

Эко тафаккур

Юртимизда 2025 йил “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилинди. Келинг, ушбу мақоламизда атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт қандай бўлиши ҳақида фикр юритсак. Умуман, йил номи билан кун тартибига чиқаётган масалалар аҳамиятини кенгроқ таҳлил этсак.

Табиатни асраш инсонни асраш демакдир

Бугун экологик масалалар ҳар доимдан ҳам кўпроқ аҳамият касб этапти. Глобал иссиқ, зарарли газлар кўпайиши, ўрмонларнинг аёвсиз кесилиши, саноат чиқиндилари оқибатида туپроқ ва сув таркибидagi ўзгаришлар... Бунинг барчаси табиат мувозанатига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, бундан 20-30 йил олдин ҳар йили қишда қалин қор ёғарди. Ҳозир ҳатто тоғларда ҳам қор кам бўляпти. Қишда қуруқ қора совуқ, ёзнинг меъёрдан ортиқ жазираси оқибатида музликлар эриб кетаяпти.

Давоми 3-бетда



Таҳлил

ЯНГИҲАЁТ:

Поезд туннель ичидан шиддат билан илгариламоқда. Унинг ўзига хос шовқини одамларнинг овозини ютиб юборади. Ҳар бекатда манзилни эслаб турадиган ўша таниш овоз бир муддат ҳаммани хушёр торттирди: “Эҳтиёт бўлинг, эшиклар ёпилади. Кейинги бекат...”. Бир вақт қафасдан озод бўлган қушдай поезд ёруғликка отилиб чиқди. Ер устидаги илон изи йўлда илгарилаб борар экан, унинг ойналарига олисдаги тоғлар устидан кўтарилган бошлаган кўш нурлари тушади.

Атрофга қарайман. Поезд билан бўйлашиб ёхуд ундан ҳам тепароқ биноларга қараб кўнгилга шуқуқ ўрлайди. Бинолар орасида бир қатор жойлашган машиналар, болалар ўйингоҳлари, футбол майдонлари, бозорчалар кўзга ташланади. Ёнимда ўтирган ёши каттароқ кишига юзланаман. Уни суҳбатга тортаман. Суҳбатимиз тезда қизиқ кетди: — Умримнинг анча қисмини истиқлолни кўмсаб, юртимизнинг ёруғ кунларга етишини кутиб ўтказганман. У вақтларда энг оғир меҳнатни қилиб, пахта даласидан кеч кузнинг совуғида ҳам бери келмаган, шундай бўлса-да, қора қозони қийинчилик билан қайнаган одамлар кўп эди. Биз эса



Индустриал салоҳият жаҳонга юз тутмоқда



юртдошлар тақдирини муҳокама қилишдан нарига ўтолмасдик. Тошкентга ўтган асрнинг етмишинчи йилларида келгандик. 35 йил ўқитувчилик қилдим. Анави кўриниб турган жойлар у вақтларда совхоз эди, — дейди ўзини асли марғилонлик деб таништираган Мақсум бобо. У киши кўрсатган жойларда ҳозир кўп қаватли бинолар қад ростлаб турибди. — Мана бундай ер устида юришимизни тушимизда ҳам кўрмаганмиз. Бугун яшасак ҳам бўларкан-ку деб ўйлаб қолман. Келган йилларим ижарада турардик. Иш жойим шаҳар марказида бўлгани боис, эрта билан йўлга тушардим. Сабаби, етиб олиш мушкул, ажаб замонлар эди. Ҳозир эса санокчи дақиқаларда шаҳар марказига етиб бораёмиз...

Давоми 4-бетда

Юксалиш палласи

ГЕНДЕР ТЕНГЛИККА ЭРИШИШ СТРАТЕГИЯСИ барқарор тараққиёт омили

Мамлакатимиз Гендер тенглик ва бошқарув индекси(GEGI)да янада юқорилади. Ушбу индекс бешта асосий соҳада гендер тенгсизлигини баҳолаб келмоқда. Унга кўра, мамлакатимиз бошқарув, таълим, IT, меҳнат, тадбиркорлик ва ўзвонликнинг олдини олиш соҳаларида эришилган ижобий натижаларга кўра 103-ўриндан 52-ўринга кўтарилди.

Ушбу индекс 158 мамлакатни қамраб олиб, гендер тенгликка эришиш йўлида муваффақият ва камчиликларни аниқлаш имконини беради. Ўзбекистоннинг мазкур халқаро рейтингда юқори ўринга кўтарилишида, аввало, таълим тизимида кенг имкониятлар яратилгани муҳим омил бўлди. Шу билан бирга, аёллар бандлигини ташминлаш, замонавий касб-хунарларга ўқитиш, тадбиркорликни ривожлантириш, оилавий ўзвонликнинг олдини олиш борасидаги ислохотлар катта ютуқларга қўл муҳим пойдевор бўлмоқда.

Жамиятимизнинг ажралмас бўғини бўлган опа-сингилларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоялаш, ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямиз, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси каби концептуал ҳужжатларда ҳам тўлиқ ифодасини топган.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий ҳаётида хотин-қизлар иштироки тобора кенгайиб бормоқда. Уларнинг давлат бошқарувидаги улуши 35 фоиз, тадбиркорлик соҳасида 37 фоиз, сиёсий партиялар таркибида эса 49 фоизга етди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 38 фоизи, Сенат аъзоларининг 27 фоизи, маҳаллий кенгашлар депутатларининг 25 фоизини аёллар ташкил этмоқда. Вазир ва вазирга тенглаштирилган лавозимларда хотин-қизлар улуши 2018 йилда қарий 3 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган даврда икки баробар ошиб, 5,7 фоизга етди.

Ишбилармон аёллар сафи ҳам икки баробар кенгайиб, ўз бизнесини йўлга қўйган аёллар сони 205 мингдан ошди. Юз минглаб аёллар касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилди. Салкам ярим миллион хотин-қиз иш билан таъминланди. Ҳозирги кунда олий-гоҳларда таълим олаётган талабаларнинг яримдан зиёдини қизлар ташкил этмоқда.

“Аёллар дафтари” тизими асосида ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлаш, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган ишсиз хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаш, баргараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар кўриляпти. Оила ва хотин-қизлар кўмитаси маълумотида кўра, Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси ҳамда бошқа ҳамкорлар билан биргаликда жорий йилда “Аёллар дафтари”нинг 5-босқичида 1 миллион 300 га яқин хотин-қиз мазкур ижтимоий дафтарга киритилиб, 995 миң 200 нафардан ортигига амалий ёрдам кўрсатилди.

Хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож 548 мингдан кўпроқ ишсиз хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Шунингдек, 35 мингдан зиёд хотин-қизга тадбиркорлик қилиши учун кредитлар ажратилди. Боқувчисини йўқотган, ижтимоий ёрдамга муҳтож минглаб опа-сингилларимизга кўмак берилди. Ногиронлиги бўлган ва шовилинч тиббий муолажага муҳтож кўплаб аёлларга моддий ёрдам ажратилди. Уй-жойга эҳтиёжи бўлганларга яшаш шароитини яхшилашда кўмаклашилди.

Давоми 2-бетда

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ — ИНКЛЮЗИВ ЖАМИЯТ

Муносабат



Муҳтожларга ёрдам бериш, қийналганнинг қўлидан тутиш каби эзгу фазилатлар халқимизнинг қонидан бор. Одамларимиз савобли амаллардан ҳеч қачон ўзини тортмаган. Ота-бобларимиз эҳтиёжмандларга елка тутиб, хотиржамлик ва қалб осойишталиги билан бахт яратган.

Давлатимиз раҳбари раислигида ўтган ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва 2025 йил учун устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилишда билдирилган фикрлар барчамизни бу ҳақда чуқур ўйлашга, шунга қараб режалар тузишга ундади.

Ҳар қандай давлатда ҳам, ҳар қайси замонда ҳам ёрдамга муҳтож, кам таъминланганлар, кўп болали, ногирон-

лиги бор ёки ёлғиз қариялар учрайди. Адолатли жамият эса уларни ташлаб қўймайди, ҳимоя қилишни ўз зиммасига олади. Бугун янги Ўзбекистоннинг эркин бозор муносабатларига ўтиш шароитида ижтимоий адолат ва ижтимоий барқарорликка асосланган халқпарвар сиёсати халқаро минбарларда эътироф этилаётгани кишига мамнуният бағишлайди.

Давоми 2-бетда

Уч ой олдин вилоят ва тумандаги 14 минг раҳбар 75 минг камбағал оилага бириктирилиб, улар билан индивидуал ишлаш йўлга қўйилди. Натижада шу кунга қадар камбағал оилалардаги 17 минг одам доимий ишга жойлаштирилди, тадбиркорлик ва томорқа орқали 14 минг кишининг даромади оширилди, 30 минг бола боғча, тўғарак ва касбга ўқитиш билан қамраб олинди, 45 минг муҳтож фуқарога тиббий ёрдам кўрсатилди.

2024 йил 18 декабрь, 256-сон



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



Муносабат

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ — ИНКЛЮЗИВ ЖАМИЯТ



Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон ХДП
фракцияси раҳбари

Бошланиши 1-бетда

Ижтимоий ҳимоя бўйича эришилган натижалар бундан тасдиқланади. Қиёссасак, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ўзгаришлар, янгиланишлар нафақат қарорлар ва дастурларда, балки оилалар турмушида акс этаётганига амин бўламиз. Йилда қайта эътибор қилинган, маҳалладаги ижтимоий ҳодимлар уйма-уй юриб, шу йил реестрда бўлмаган яна 95 минг муҳтож одамга ёрдам кўрсатди. Бир неча ўн минглаб юрдошимизга ногиронлик белгилангани, протез берилгани, ногиронлиги бор болаларнинг боғча, мактабга жойлаштирилгани — бу рақамлар оддий рақамлар эмас, улар ортида қанчадан қанча ҳаётнинг розиричилиги масаласи бор.

Энг муҳими, бу рақамлар, белгиланган янги вазибалар ижтимоий давлат тамойилларини мустақамлаб, юртимизнинг инклюзив жамиятга айланганига мустақам асос яратмоқда.

Уч ой олдин вилоят ва тумандаги 14 минг раҳбар 75 минг камбағал оилага бириктирилиб, улар билан индивидуал

ишлаш йўлга қўйилди. Натижада шу кунга қадар камбағал оилалардаги 17 минг одам доимий ишга жойлаштирилди, тадбиркорлик ва томорқа орқали 14 минг кишининг даромади оширилди, 30 минг бола боғча, тўғарак ва касбга ўқитиш билан қамраб олинди, 45 минг муҳтож фуқарога тиббий ёрдам кўрсатилди.

Бу жуда катта ва тарихий аҳамиятга эга натижалар деб ўйлайман. Бунга эришилгани мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарали амалга оширилатганини англатади.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги салмоқли ўзгаришлар ҳақида сўз юритганда, камбағаллик даражасини қисқартириш чора-тадбирлари ҳақида

ташабуус илгари сурилди. Келгуси йилда 1 миллион 200 минг кишини камбағалликдан чиқариш учун таълим, тўғарак, касб-хунар, тиббий масалаларини

“ **ПРЕЗИДЕНТИМИЗ БУТУН ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИ ИМКОНИАТЛАРИНИ МАНА ШУ ЭЗГУ МАҚСАДГА КАТГА КУЧ ҲАМДА ИШТИЁҚ БИЛАН САФАРБАР ЭТМОҚДА. БУ ТАМОЙИЛ НАФАҚАТ ЖОЙЛАРДАГИ ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРНИ ТИЗИМЛИ ҲАЛ ЭТИШ, ЭНГ АСОСИЙСИ, ХУҚУҚ ВА ИМКОНИАТЛАР ТЕНГЛИГИГА РЕАЛ ШАРОИТ ЯРАТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.** **”**



тўхталиб ўтиш жоиз, албатта. Республикада барқарор ва юқори иқтисодий ўсиш суръати таъминланиши камбағаллик даражасини 2019 йилдаги 23 фоиздан 2023 йилда 11 фоизга қисқартиришга имкон яратди. 2025 йил якуни билан камбағалликни 6 фоизгача қайтариш мақсад қилинди.

Йилдаги давлатимиз раҳбари бу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратди. Бу йил ижтимоий ҳимоя бўйича 34 та муҳим янгиллик кўшимча 28 та янги

ҳал қилиш ва яшаш шароитини яхшилаш заруриги таъкидланди.

Камбағалликка тушиб қолиш ҳавфи мавжуд қатлам — ёшлар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги вазибалар белгиланди. Хусусан, камбағал оила фарзандларини чет тили, IT ва касб-хунарга ўқитиш учун қўшимча имкониятлар яратилди.

Мутасаддиларга келгуси йил 1 мартгача тўғараклар очиб, камбағал оилалардаги 118 минг ёшни ўқитишни

бошлаш топширилди. Камбағал оилалар фарзандларини тайёрлаб, 2025 йилда 3,5 минг ёшни олийгоҳга грант асосида қабул қилиш заруриги қайд этилди.

Осон бўлмаган, қатъий қўйилган вазибалар нафақат шу кунларга, ҳалқимиз келажигига қаратилганини яхшироқ тушуниш учун мураккаб вазибалардан чиқиб кетаётган оиладаги муҳитни, кайфиятни яқиндан билиш етарли бўлади. Йиллар мобайнида таъинли бир юмуш тутиб, рўзғорига яхши қарай олмаган ота-онанинг ўз ишине йўлга қўйётгани, даромад кўраётганида қанча ибрат ва шуқроналик бор!

Халқ вакиллари бу ислохотларни тўла қўллаб-қувватлаганда ҳолда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаш жараёнларига қамраб олаётган бўлишига қатъий қарилади.

Президентимиз бутун давлат ва жамият бошқаруви тизими имкониятларини мана шу эзгу мақсадга катта куч ҳамда иштиёқ билан сафарбар этмоқда. Бу тамойил нафақат жойлардаги ижтимоий муаммоларни тизимли ҳал этиш, энг асосийси, хуқуқ ва имкониятлар тенглигига реал шароит яратишга хизмат қилади.

Йилдаги ногиронлиги борларга бериладиган протез ва реабилитация воситалари рўйхати 18 тадан 30 гага, маблағ эса 1,5 баробар оширилгани, бунинг эвазига йил бошидан 100 минг одамнинг эҳтиёжи таъминлангани алоҳида қайд этилди. Энди рўйхатга яна 7 турдаги восита қўшилиши белгиланди. Очиги, ушбу йўналишдаги имконият ва имтиёзлар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин. Кўриниб турибдики, ногиронлиги бор шахслар жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси сифатида катта ишонч ва умид билан яшаш йўлида қилинаётган ишларнинг қамрови кенг.

Йилдаги белгилаб берилган вазибалардан маълум бўладики, мамлакатимизда ижтимоий соҳанинг барча йўналишларида шаҳдам ўсиш тенденцияси кузатилади. Ҳар бир қувончи ўзгартириш, янгилик эса минглаб, миллионлаб одамларнинг руҳиятини кўтарди, юксалишга илҳомландиради.

Юксалиш палласи

ГЕНДЕР ТЕНГЛИККА ЭРИШИШ СТРАТЕГИЯСИ

барқарор тараққиёт омили

Бошланиши 1-бетда

Бундан ташқари, хуқуқий ва психологик кўмак муҳтожларга амалий ёрдам берилди. Жумладан, туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки фуқаролик паспорти олиш учун кўмаклашилди, алимент тўловлари ундириб берилди. Томорқадан фойдаланиш самардорлигини ошириш мақсадида бир қанча оилаларга ер майдонини сугориш, иссиқхона қуриш, асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун субсидия ажратилди. “Аёллар дафтари”даги хотин-қизлардан 150 нафарининг фарзандларига, шунингдек, олий ўқув юртида таҳсил олаётган 388 хотин-қизга контракт тўловининг муайян қисми тўлаб берилди. Албатта, бу имкониятлар опа-сингилларимизнинг оғирини енгил

бўлди. Бу жараёнда аёлларни ишга ва тадбиркорликка жалб этиш, касб-хунарга йўналтиришга эътибор қаратилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай муаммоларга қарши курашишда фақат жабрдийдалар билан ишлашнинг ўзи kiffo қилмайди. Зўравонликни содир этаётган шахсларни ҳам бу тадбирларга жалб этиш, уларнинг руҳий ва саломатлик ҳолатини ўрганиш, ҳаётий муаммоларини аниқлаб, ҳал этишга кўмаклашиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда жойлардаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари, ички ишлар ходимлари ҳамда психологлар ҳамкорлигида ана шундай ҳолатларни содир этган шахслар билан икти-

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари психологлари ҳамда хуқуқшунослари билан биргаликда талабалар ўртасида ўтказилган очик мулоқотлар, давра суҳбатлари ҳам ёшларнинг хуқуқий билим ва дунёқарашини ошириш, гендер тенгликни тарғиб этишда муҳим қадам бўлди.

қилиш, муаммоларига ечим ва ҳаётда ўз ўрнини топишида катта туртки бўлмоқда.

Жамиятда гендер тенгликни таъминлаш ва фаровон ҳаёт барпо этишга тўсиқ бўлаётган яна бир муаммо — зўравонлик ҳолатларига қарши курашиш доимий эътиборда. Яқинда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташаббус билан ўтказилган “Зўравонликка қарши 16 кун фаолият” тадбирлари жамиятимизда зўравонлик муаммоларига эътиборни янада кучайтириш ҳамда хотин-қизларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омили бўлди. Унинг доирасида “Фаровон оила” ширини остида жойларда қўллаб маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

Зўравонликдан жабр кўриб, аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари тизимидаги вақтинча бошланаларда яшаётган аёллар ва уларнинг фарзандлари, маҳаллалардаги нотинч оилалар, тайиқ ва зўравонликка учраган аёллар ҳамда фарзандлари иштирокида ўтказилган тадбирлар кўпчиликлари манзур

мой-психологик суҳбатлар, учрашув ва семинар-тренинглари ташкил этилган.

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари психологлари ҳамда хуқуқшунослари билан биргаликда талабалар ўртасида ўтказилган очик мулоқотлар, давра суҳбатлари ҳам ёшларнинг хуқуқий билим ва дунёқарашини ошириш, гендер тенгликни тарғиб этишда муҳим қадам бўлди.

Бундай лойиҳалар эса опа-сингилларимизнинг ҳаёти ва турмуш фаровонлигини ошириш, оила ва жамиятда ўрнини мустақамлаш, турли соҳаларда ютуқ ва муваффақиятини юксалтиришга замин бўлаётгани қувонарли. Юқорида айтиб ўтганимиздек, мамлакатимизнинг Гендер тенглик ва бошқарув индекси (GEG)даги ўрни 51 ўринга яхшиланигани барчамизга фخر-ифтихор бахш этди.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Нуқтаи назар



Алишер ХОТАМОВ,
Чилонзор тумани ҳокими
ўринбосари

Жумладан, энди ҳуқуқат, вазирилк ва идоралар, худудлар раҳбарлари депутатлар томонидан жойларда аниқланган муаммоларни ҳал этишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталари билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйди. Турли соҳаларда назоратни таъминловчи давлат инспекциялари билан қўйи палата кўмиталари ўртасида ҳамкорлик тизими яратилди. Бу, ўз навбатида, уларнинг ҳисоботларини кўмиталарда муҳокама қилиб боришида янги, таъсирчан тизимга асос бўлади. Натижада парламент назорати самардорлиги ошади.

Бу каби ислохотлар юрдошларимиз ҳаётида катта ўзгариш ясашига ишонанман. Чунки мамлакатимизда кечатган ислохотларни чуқур ўргансангиз, пухта режа асосида босқичма-босқич эканини кўрасиз. Хусусан, ҳокимларнинг кўплаб ваколати кенгашларга ўтказилиши ҳақида бир мундта аввал режа қилинган эди. Аммо бунга бирдангина ўтмади. Хусусан, бу йил ҳокимларнинг 33 та ваколати кенгашларга олиб берилди. Келгусида уларнинг яна 17 тасини ўтказиш назарда тутилмоқда.

ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАШ

КУНДАЛИК ШИОРГА АЙЛАНИШИ ШАРТ

Президентимизнинг ўтган ойда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлисларидаги нутқидан мамлакатимиздаги ислохотлар янги босқичга чиқётгани эътироф этилди. Айна пайтда уни амалга ошириш билан боғлиқ кўплаб вазибалар белгилаб олинди.

Нега бу амалиёт бирдангина ҳаётга тағбиқ этилмайди? Зеро, ҳар икки томон бунга мослашиши, кўниқиши керак. Мазкур жараён ҳам қайсидир маънода ижтимоий давлатнинг масъулиятини аввал амалда ҳис этиб, мазкур йўналишда катта ислохотлар бошланган, Бош қонунимизда мустақамлаб қўйилганига ўхшайди.

Дарҳақиқат, янги таҳрирдаги Конституцияимизда Ўзбекистон ижтимоий давлат экани ўз аксини тоғгани тарихий воқеялик бўлган. Негаки ижтимоий давлатда ҳеч қандай эътибордан четда қолмайди, адолат тўла-тўқис қарор топади. Бунинг ўтаган кўнатидаги ўзгаришларда кўриб туришимиз. Оддий мисол, ижтимоий ёрдам кўрсатишдан тортиб, тадбиркорликка кенг йўл очилганга бўлган жуда кўп масалалар маҳалланинг ўзида ҳал этиладиган тизим яратилди. Мазкур амалиёт том маънода ҳалқимизнинг оғирини енгил қилиб, эртанги кунга ишончини оширмоқда. Шу ўринда иш фаолиятим давомида айна масалалар бўйича бевосита ўзим иштирокчи бўлган айрим ҳаётий воқеаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида 55 та маҳалла бор. Туманимизда турли тоифадаги инсонлар яшайди. Шундай шароитда барчага бирдек имконият яратиш бериш, ҳалқимизни рози қилиш осон эмас. Аммо биз, масъуллар ишини осон қилмаган ҳолда, ҳаётсеварлиги ошади, фақат олдинга интилади.

Бунга кўплаб оилалар ҳаётини мисол қилиш мумкин. Худудимизда ёлғиз кексалар ҳам бор ва бу табиий, албатта. Кекса эр-хотин Анатолий ва Нина ёлғиз яшайди. Уларнинг фарзанди йўқ. Кекса аёл оғир хасталикка йўлиққани сабаб ўзини кексалар уйига жойлаштириш учун амалий ёрдам сўраган.

балки руҳий жиҳатдан ҳам қийинчиликни бошдан ўтказади. Жамиятда яққаланиб, ўз дарди билан ўзи овора бўлиб қолади. Аммо юртимиздаги ислохотлар сабаб ушбу фуқаронинг ҳаёти ўзгарди. У яшайдиган маҳалланинг ижтимоий хизмат ҳодими унинг вазиетини ўрганиб, аёлга кўмак кераклигини билдирди. Натижада унга биринчи ўринда психологик ёрдам берилди. Шу вақтгача тажрибамизда психологик ёрдам тушуничаси бўлмаган. Биргина психологик ёрдамнинг ўзи гоҳида барча муаммоларга ечим эканига бугун гувоҳ бўляпмиз. Шу орқали бу аёлнинг ҳаёти ўзгарди.

Яъни фуқаронинг фарзандларини боғча ва тўғаракларга жойлаштиришга кўмаклашилди. Лаёқатидан келиб чиқиб ўзининг бандлиги таъминланди. Кўриниши ва айтилишидан жуда оддий бўлиши мумкин, лекин мана шу кичик бир эътибор, қўллов билан бир фуқаронинг ҳаёти изга тушди, эртанги кунга ишончи ортди.

Мана шундай кезларда жамиятимизда эртанги кунга ишонч ортиб бораётганидан хурсанд бўлам. Чунки агар одамда ишонч мустақам бўлса, ҳар қандай қийин вазиетда ҳам енгилмайти, орта чекинмайти, ақсинча, ҳаётсеварлиги ошади, фақат олдинга интилади.



Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ходимлари оиланинг аҳолини атрофлича ўрганди. Кекса аёлни даволаш чоралари кўрилди. Уларга доимий қараш учун ижтимоий ҳодим ажратилди. Шу тариқа бир оила, кекса эр-хотин ўз уйида барча кераклик ёрдамни олиш имконига эга бўлди. Уш пайтда уларнинг кўзидаги қувончини бир кўрсангиз эди, буни сўз билан тасвирлаб бериш қийин. Мамлакатимизда кейинги йилларда кечатган ислохотлар мана шундай инсонпарварлиги, юрдошларимиз ҳаётида ўчмас из қолдириб, янгича мазмун олиб кираётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Умуман олганда, ижтимоий адолатнинг қарор топиши барча соҳаларда ўсишга олиб келади. Янги Ўзбекистон Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш сари дадил бормоқда. Бунга кучли, билимли, эртанги кунга мустақам ишонган ҳалқ билангина эришиш мумкин. Шу боис, янги ислохотлар даврининг илк йилларидек “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”

чиқарилади. Бу мақсадларга 46,5 триллион сўм йўналтирилади. Бундан ташқари, 100 минг гектар ер деҳқончилик ва боғдорчилик ташкил этиш учун 200 минг камбағал оилага ижарага берилди.

Яна бир муҳим рақам, камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида келгуси йили бюджетдан 500 миллиард сўм ажратиладиган бўлди. Янги йилдан 65 турдаги ижтимоий хизмат ва ёрдам, 50 га яқин имтиёзнинг ўзида мужассам етадиган ягона “Ижтимоий карта” тизими йўлга қўйилди. Бу ҳам кўплаб оилаларнинг муаммосига ечим бўлади. Яъни бир оила ҳар бир ёрдам учун алоҳида мурожаат билан чиқиб вақтинчи бекор кетказмайди. “Ижтимоий карта” орқали барча муаммоларини ўз вақтида ҳал этиб кетаверлади.

Бу мақсадларга эришиш учун барча даражадаги масъуллар ислохотларни теран англаган ҳолда жонқуялик, вағанпарварлик билан ишлаши шарт. Мақолаимиз аввалда ёзганимиздек, ислохотлар янги босқичга чиқмоқда. Бундай кенг кўламдаги ўзгаришлар даврида барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, айниқса, ҳалқнинг ишончини вакиллари ижро органлари билан бирдамликда олға интилиши давр талаби.

Ўрни келганда айтиш керак, одатда ваколатнинг қайиши масъулиятни енгиллаштирилади. Аммо ҳокимларнинг айрим ваколатлари кенгашларга берилиши ижро органлари зиммасидаги масъулиятни икки хисса оширади. Ҳалқ дардида яшаб, ҳоловатини йўқотган шахс жамиятда катта ўзгаришлар қилишга қодир бўлади. Бунга ўтган кўнатида барчамиз гувоҳ бўлдик.

Демак, ҳалқ дарди билан яшаш янги Ўзбекистондаги ҳар бир масъулнинг олиий иш мезони, қўндалик шioriга айлиниши шарт. Зеро, ҳалқимизнинг орзулари амалга ошаётган туб ислохотлар даврида барча тоифадаги масъуллар масъулиятни теран ҳис этиб, лоқайдликка йўл қўймай ишлаш, кўзланган марраларга мўлжалдайдан ҳам олдин эришамиз. Бунинг учун мамлакатимизнинг салохияти етарли. Фақат биз, масъуллар бир тан бўлиб, кадрлар салохиятини намоён эта олсак бас.



Эко тафаккур

ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ

экологик ечимли



Боборавшан ҲОЗИДДИНОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Бошланиши 1-бетда

Айни пайтда қиш нимагини билмайдиган иссиқ мамлакатларда қор ёғиши, сел келиши одатий ҳолга айланиб бораётган. Шунинг ўзиёқ табиатда жиддий ўзгаришлар бўлаётганидан далолат. Ана шундай вазиятда атроф-муҳитни аслидай асраш муҳим...

Зеро, атроф-муҳит масаласи дунё аҳли олдида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муаммоларни кўндаланг қўяди. Илмий таҳминлар табиатдаги салбий ўзгаришлар аввало сув танқислигига сабаб бўлишини кўрсатмоқда. Афсуски, жамиятимиз сув исрофи қанчалик дахшатли оқибатлар келтиришини тўла англаб етгани йўқ. Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

Экологик масалалар озиқ-овқат хавфсизлигига жиддий таъсир кўрсатади. Чунки табиатда мувозанат ўзгарса, нафақат ҳаво, балки тупроқ ҳам зарарланади. Хосилдорлик камайиб, айрим жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захар, касаллик тарқатувчи бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Бундай аянчи оқибатлар эса зараркунадалар кўпайишидан бошланади. Биз уларга қарши дори сепаемиз. Сўнгра нафақат ҳосил, балки тупроқ ҳам захарга тўйиниб бораверади.

Охири-оқибат иқтисодий ўсиш чеккага бошлайди. Биринчидан, жамиятда соғлиқдан шикоят қиладиган одамлар кўپаяди. Бу ўз-ўзидан оилалар доволаниши учун кўп маблағ сарфлашига олиб келади. Соғлом бўлмаган шахснинг меҳнат умумдорлиги камайди. Иккинчидан, табиий тоза маҳсулотлар, сув каби бошқа ресурслар танқислиги кузатилади. Бу саналган барча муаммоларнинг аниқ авж олишига сабаб бўлади. Оқибатда дунёда ёқадан олишлар, табиий ресурсларга яқка эгаллик қилишга уринишлар кўпайиб, дахшатли урушлар келиб чиқади.

Дарҳақиқат, бугун беҳуда оқиётганимиз бир томчи сув, тупроқ бағрига бепарволарча отиб юборганимиз чиримайдиган, зарарли чиқиндилар, бегисандлик билан кесилётган дарахтлар — барча-барчаси юқорида санаганимиз улкан муаммоларга қўйилган илк қадамдир. Ҳа, атроф-муҳитни асраш шундай муҳим. Ил номининг аввалги қисми — атроф-муҳитни ҳимоя қилиш мана шундай катта ҳаётий ҳақиқатларни ўзида жамлаган. Шу боис, табиатни асраш, аввало, инсонни асраш демак!

Иқтисодий ўсиш экологик муаммоларга эшик очмаслиги керак

Энди "яшил" иқтисодиётнинг аҳамияти ҳақида фикрлашасан. Аввало, иқтисодиётимиздаги қувонарли рақамлар, кейинги йиллардаги туб ўзгаришларни бир кур едга олсан. Қисқа муддатда иқтисодиётимиз 2 қарра ўсиб, 100 миллиард долларлик тарихий маррани забт этди. Аҳоли жон бошига даромад 3 минг долларга етди. Мазкур кўрсаткич иқтисодиётда ниҳоятда катта ўсиш, дегани. Бунга халқаро экспертлар ҳам таъ ойлатди. Масалан, Жаҳон банки 2024 йилда Ўзбекистон Европа ва Марказий Осиёда иқтисодиёти энг тез ўсётган 3 та давлат қаторидан жой олганини эътироф этди. Яна бир иқтисодий кўрсаткич, камбағаллик даражаси сўнгги 4 йилда 23 фоиздан 11 фоизга тушди. Ислохотлар изчиллиги эвазига бу кўрсаткични 9 фоизга туширишни мақсад қилганмиз. Ҳўш, бундай марраларга қандай эришилди?

Албатта, тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни кўпайтириш орқали. Мана шу жавоб замирида кўпбалли соҳаларда катта меҳнат, туб ислохотлар, миллиардлаб маблағ ётибди. Биз ҳозир иқтисодий ўсишни бирма-бир таҳлил этишдан йироқмиз. Аммо бир ҳақиқатни айтиш зарур, иқтисодиёт барқарорлашиб бориши билан табиатга етказилган зарар ҳам кўпаяди. Яъни маҳсулотни ишлаб чиқариб, уни бозорга етказишга бўлган жараён энергия талаб қилади. Аввало, замонавий технологиялар электр энергияси билан ишлайди. Электрни ишлаб чиқариш учун одатда нефть, газ ва кўмир ёқилади. Уларнинг зарарини ортқича таърифлаш шарт эмас, назаримда. Қолаверса, ишлаб чиқариш қанча кўпайса, транспортга эҳтиёж шунча ортади. Бу машиналардан чиқадиган зарарли газ ҳажми ортишини англаганимиз. Буларнинг барчаси табиатга етказилган зарар, дегани. Бир вақтлар Европада санат ишлаб чиқариши ортиб, табиатга катта зарар етказилди.

бошланган эди. Ҳанда табиатсеварлар бирлашиб, умумий ҳаракатга айланди. Улар кейинчалик турли давлатларда "яшил"лар партиясини ташкил этди. "Яшил"лар ҳаракати табиатга зарарни камайтириш борасида ўз дастурларини, чиқишларини тақдим этиб келади. Янги Ўзбекистонда туб ислохотлар бошланиши фондида "яшил"лар партиясини вужудга келиши бежиз эмас. Бу ҳам техник тараққиёт асрида юртимизда табиатни асрашга давлат сиёсати даражасида жиддий қаралётганини кўрсатади.

Яна бир жиҳат. Иқтисодиёт ривожини, демак, халқ фаровонлиги учун корхоналар кўпайиши керак. Иқтисодий тармоқлар оз бўлса ҳам табиатга зарар етказиши. Айни пайтда инсон соғлом, тўқис ҳаёт кечириши учун табиатни аслидай асраш шарт. Мана шу зиддиятни мувозанатда сақлаш учун XXI асрда ечим топилади. Бу "яшил" иқтисодиёт!

Ҳозир Ўзбекистон аҳолиси 37 миллиондан ошди. Келгуси 5 йилда бу кўрсаткич 40 миллиондан ортиши кутилган. Демографик ўсиш инсон капитали, катта имконият, дегани. Аммо инсон капитали юқалиши учун табиатга зарар етказмасдан иқтисодий ўсишга эришиш керак. Демократик, кўзланган улкан марраларни забт этишимиз учун халқимизнинг экология, энергетика, транспорт, йўл, ичимлик сув таъминоти, аҳолини уй-жой билан таъминлаш каби муҳим соҳаларда талаб ва эҳтиёжлари қондириб борилиши зарур. Буларнинг ҳеч бирини энергетикасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Юртимизда "яшил" иқтисодиётга жиддий эътибор берилаётгани бежиз эмас. Зеро, табиатга зарар бермайдиган энергияга эга бўлиш, таъбир жоиз бўлса, келажак кафолатидир. Шу маънода, "яшил" иқтисодиётга давлат сиёсати даражасида эътибор берилиши келажак кафолатини мустақкамлайди.

Кейинги йилларда юртимизда энергетика соҳаси жадал ислохот қилинмоқда. Муҳими, энергия бозори либераллаштирилмоқда. Оддий мисол, уйингизга қуёш панели ўрнатиб, ортқича энергияни сотишингиз мумкин. Ваҳоланки, ўн йил аввал бунга тасаввур қилиб бўлмади. Бу энергия мустақиллиги учун ташланган муҳим қадам. Шу билан бирга, қайта тикланувчи энергия манбаларини ҳамда уни тежовчи технологияларни жорий этиш борасидаги ишлар изчил давом этиляпти. Мазкур йўналишда ҳам кейинги йилларда сезиларли ўсиш кузатилади. Масалан, ҳозир юртимизда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг қарийб 15 фоизи қайта тикланувчи энергия манбалари ҳиссасига тўғри келади. 2030 йилга қадар мазкур кўрсаткич 40 фоизга етказилиши кутилмоқда. Яъни келгусида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган электрнинг деярли ярми "яшил" бўлади. Бу Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбалари қувватининг 27 гигаваттга етати, дегани.

Албатта, мақсад қанчалик эзгу бўлмасин, унга эришиш осон кечмайди. Босқичма-босқич, аниқ режалар орқали эришиш мумкин. Бунга эса янги Ўзбекистондаги ислохотлар бошланган вақтдаёқ илк қадамлар қўйилган эди. Масалан, тўловларни кафолатлаш учун табиий газ ва электр энергиясини онлайн режимда ҳисоблаш тизими яратилди. Бу издан чиққан тўлов тизимини тартибга солиди. Соҳага миллиардлаб маблағ йўналтириш имкониятини берди. Шунинг ўзиёқ катта бир таҳлилга арзийдиган мавзу.

Яна бир жиҳат. Иқтисодиёт ривожини, демак, халқ фаровонлиги учун корхоналар кўпайиши керак. Иқтисодий тармоқлар оз бўлса ҳам табиатга зарар етказиши. Айни пайтда инсон соғлом, тўқис ҳаёт кечириши учун табиатни аслидай асраш шарт. Мана шу зиддиятни мувозанатда сақлаш учун XXI асрда ечим топилади. Бу "яшил" иқтисодиёт!

Натижада узоқ йиллардан бундан эътибордан четда қолган тармоқлар янгиланди. Соҳада замонавий технологиялар жорий этила бошланди. Электр узатиш станциялари таъмирланди. Бу қўланини ошириб бориш учун эҳтиёт қисмларни ўзимизда ишлаб чиқаришга ҳам катта эътибор берилди. Хусусан, 2017 йилда "Nukus Electroararat" қўшма корхонаси ишга тушди. Бу корхонада электр энергиясини тармоғи учун қучланиш қурилмалари ишлаб чиқарилади.

Корхона таърибасини ҳисобга олиб, жорий йилнинг июнь ойида қуёш панелларини яшаш лойиҳаси ишга туширилди. Аҳамиятлиси, завоқ қуёш панелларидан олинган қувват эвазига ишлайди, ортқича энергия эса худудий электр тармоғига сотилади. Ҳа, соҳада кишини қувонтирадиган илк ютуқлар кўзга ташлана бошлади. Масалан, "яшил" энергетикани жадал ривожлантириш бўйича дастур қабул қилинди. Ҳар йили 2 гигаваттга яқин қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилади. Жумладан, бу йил охирига қадар тармоққа қўшимча 2,6 гигаватт қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқариш қувватлари уланади. Бу экологияга зарар келтирмасдан иқтисодий ўсишга эришишга жуда муҳим.

Экология, "яшил" энергиядан кенг фойдаланиш фақат ички эҳтиёжларимиздан дуборат эмас. Демократик, дунё мамлакатлари бу борада яқин бўлиши, масалаларга ҳамкорликда ечим топиши зарур. Шу боис, Ўзбекистон доим халқаро майдонда экологик масалалар ҳақида бонг урмоқда. Амалий ишлар борасида аниқ тақлифларни илгари сурати. Масалан, Боку шаҳрида БМТнинг Иқлим Ҳамкорлиги бўйича конференцияси (COP 29) доирасида давлатимиз раҳбари томонидан қатор тақлиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Улар халқаро жамоатчилик томонидан илқ кутиб олинди. Муҳими, ушбу конференцияда амалий келишувларга эришилди. Хусусан, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Озарбайжон ўртасида "яшил" энергияни ривожлантириш ва узатиш соҳасида стратегик шериклик тўғрисидаги битим имзоланди. Ушбу лойиҳанинг экологик аҳамияти жуда муҳим. Зеро, лойиҳа доирасида узатиладиган энергия шамол ва қуёшдан олинади. Қайта тикланадиган манбадан олинган ушбу энергия иқлимга таъсирини юмшатади.

Умуман, янги Ўзбекистон экологик масалаларга ечим излаш, бу борада амалий ишларни бажариш баробарида иқтисодий тараққиёт сари дадил олинмоқда. Бунга "Яшил макон" лойиҳасини ҳам мисол қилиш мумкин. Жорий йил 23 ноябрь куни давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳри атрофида "яшил белбоғ" барпо этиш лойиҳаси доирасида дарахт экиш тадбирида иштирок этди. Шу тариқа Бектемир туманида, Тошкент ҳалқа йўли бўйида яшил худудга асос солинди. Бунинг учун 100 гектар ер ажратилган. Унга икки йилда жами 100 минг туп дарахт ва бутта қўчати экилади. Мақсадимиз "Яшил макон" лойиҳаси асосида мегаполисга айланб бораётган шаҳримизнинг яшиллик даражасини 30 фоизга етказишдир. Эътиборлиси, ўша куни мамлакатимизнинг барча худудлари — Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ҳам қўчати экилади. Ушбу кузги мавсумда "Яшил макон" лойиҳаси доирасида 80 миллион туп дарахт ва бутта қўчати экиш режа қилинган. Муҳим рақам, охириги 3 йилда мамлакатимиз бўйича жами 646 миллион туп қўчати ва бутта экилган. Оролбўйида яшил қоплама 2 миллион гектардан ошган. У бугун саҳрода яшил ҳаёт бошлаб берди. Аммо бошқа худудларга экилган қўчати экиш, Афсуски, айрим жойларда қаровсизлиги боис, улар қуриб қолгани ҳақида маълумотлар бор. Яъни қўчати экиш парварини қилишда лоқайдликка

йўл қўйилган. Мазсулар қўчати экиш сўғориш, касалликларнинг олдини олиш борасидаги ишларга етарли эътибор қаратмаган. Боз устига, ўтган йилларда қўчати экишда қўшиб ёзилган ҳал эътибор. Демак, экологик масалаларни ҳал этишда, хусусан, экониятимизни оширишда ҳам ташаббуслар ишларимиз бор.

Юқорида атроф-муҳитни асрашнинг аҳамияти, "яшил" иқтисодиётнинг замонавий устуни муҳимлиги ҳақида имкон қадар фикрлашдик. Энди ушбу ишларни амалга оширишда бевосита куч ва қудратимиз бўлган инсон капитали, жамиятимизнинг экологик маданияти ҳақида мулоҳаза юритсак.

Сувга чиқинди ташлашдан нега қўрқар эдик?

Давлатимиз раҳбари "Бизнинг иккита ўқ томиримиз, иккита таянч устунимиз бор: бири — иқтисодиёт, бири — маънавият. Маънавий буюк халқ — иқтисодий доридан ҳам буюк бўлади", деган эди. Экологик маданиятни юқсалтириш орқали биз мана шу икки устуни ҳам мустақкамлашга эришамиз. Бу баландровоз гап эмас. Келинг, буни соддароқ тушунтиришга уринайлик. Болалигимизда сув Худонинг юзи, деган гап



бўларди. Биз бир қарич жузуклар, масалан, сувга нимадир отиб юборсак, тендошларимиз маломат қиларди: "Эсинг жойидами, сув Худонинг юзи-ку!".

Шу сабаб биз сувга чиқинди ташлашдан тийилардик. Ҳа, экологик маданиятимиз мурғаклиқдан бошланарди. Афсуски, бугун сувга дуч келган нарсани улқитираймиз. Тупроқ, яшиллик олами ва ҳайвонот дунёсига ҳам худди шундай муносабатдаммиз. Яъни биз экологик маданиятдан анча олисладик. Ҳозир бунинг сабабларини бирма-бир санаб вақтингизни олмоқчи эмасмиз. Шаҳар кўчаларида, биз ҳордиқ оладиган табиат қўйнида сочилиб ётган чиқиндилар экологик маданиятимизга тутилган ойна. Афсуски, жамиятимизда чиқиндини белгиланган жойига ташлаш жуда оддий одоб шакланмаган.

Шу ўринда кўнглингизда тугилиши мумкин бўлган битта саволга жавоб беришимиз керак. Эҳтимол, кимдир нега тадбиркорлар, санат сувини, зарарли газларни етарлича тозаламай, табиат бағрига ташлаётган корхоналар эмас, оддий одамлар ёки омма айбдор қилинмоқда, дейиши мумкин. Тўғри, табиатга катта миқдорда зарар келтириши мумкин бўлган субъектларни жиддий назорат қилиш шарт. Бунинг учун юртимизда қонуний асос ҳам бор.

Гап шундаки, биз ижтимоий, демократик давлатда яшаймиз. Бундай мамлакатда жамоатчилик назорати масалаларга энг яқин ечим бўлади. Агар жамиятимизда экологик маданият шаклланса, ҳатто богчага борадиган бола ҳам сувни Худонинг юзидай азиз деб билса, катта корхоналар чиқарадиган зарарлар ҳам кескин камайди. Негаки ўша тадбиркор, йирик корхона раҳбари ва уларни назорат қиладиганлар ҳам бевосита мана шу жамият маҳсули, унинг ажралмас қисмидир. Қолаверса, юқас экологик маданиятга эга жамоатчилик мавжуд қонулар амалда ишлашини таъминлайдиган ягона куч. Масалан, яқин-яқингача дарахтларни бемалол кесавериш мумкин эди. Жамоатчилик назорати ишлаши эвазига бунга қарши кураш жиддий тус олди. Ҳозир ҳам дарахткесарлар топилади. Улар ўз мақсадига эришишда ҳар қандай ҳийла йўлини излаб топмоқда. Қачонки улар бундай қилмишдан уялданган, виждони олдида жавоб беришни ўйлайдиган даражага етсагина, биз ҳақиқий экологик маданиятга эришамиз. Бунинг энг самарали усули жамиятнинг ўзгаришидир. Ахир янги Ўзбекистонда ёшлар онгу тафаккурида миллий гуруҳ билан бирга умумбашарий қадриятларга ҳурмат ҳиссини камол топтиришга жиддий эътибор берилаётгани бежиз эмас.

Экологик маданият маънавий устунининг мустақкамлигидан далолат. Бир мисолни эсласан. Қадим замонлар ишанган Самуд қавми ҳақида гап кетганида уларнинг қалбига залолат муҳри урилгани айтади. Залолат муҳри маънавиятсиз, маърифатдан бутунлай узоқ қимсангиз қиёфасига энг қисқа ва аниқ берилган изохдир. Ана шундай қиёфадаги Самуд қавми жимсонан бақувват, тоғ-тошини йўйиб мустақкам қилган одамлар эди. Бу уларнинг иқтисодий жиҳатдан тўқис бўлганини кўрсатади. Аммо бу қавмда маърифат йўқ эди. Шу боис, уларга синов юборилди. Яъни қавм мўъжиза сабаб улкан тош ичидан чиққан тую — табиатнинг кичик зарраси билан муро-са қилишга мажбур этилди! Чунки инсон ҳам табиат олдида ўша тую каби кичик бир тирик жон, холос.

Аммо улар маърифатдан узоқ, маънавий илдири мўрт қабила эди. Шу боис, шаръ бузилади. Оқибатда Самуд қавми осмондан келган бало — табиий офат сабаб йўқликка юз тутди.

Агар уларнинг маънавий устуни, экологик маданияти мустақкам бўлганда тую билан муро-са қилиш керак. Мазкур иммунитет қанчалик самарали бўлиши жамиятнинг маънавий қиёфасига боғлиқ. Демократик, атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йилдан кўндаланг яшиллик даражасига эришиш фақат маъсулларнинг мақсад дастурини бажаришига боғлиқ эмас. Бунда мана шу жамиятнинг ҳар бир аъзоси фаол бўлиши керак. Шундангина қўзланган мақсадларга эришиш осон бўлади. Зеро, хасталикни доридармон билан даволашдан кўра организмнинг иммунитет кучи билан енгиш самаралидир.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Тахлил



Сардор ТОЛЛИБОЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланиши 1-бетда

Поезд тўхтади. Сўхбатдошим менга бир қараб кўйди-да, якунланмаган гурунган хижолат бўлгандек бозорлик халтасини кўтариб эшикка одимлайди.

Мен эса унинг тугалланмаган гапи ҳақида, Мақсум бобо кўрган йиллар ҳақида ўйлаб бошлайман. Унинг биз санокли соғияларда босиб ўтаётган ҳудудда пиёда юрганини кўз олдимга келтираман. Биргина у эмас, қанчалар юртдошларимиз умри шу йўлларда ўтгандир. Шуларни ўйлар эканман, таниш овоз яна сас беради: “Янгиҳаёт” бекаги...”

Ўз уйинг — ўлан тўшагинг

Инсон қади улуғ тушунча. У ўтминдан ҳулоса чиқариб, келажакка пойдевор ташлар экан, ўз ҳаётини дамнам бўлиб яшаш керак. Бу эса иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий омилларга боғлиқ. Ҳар қандай улуг мақсадларга етишиш, янги жаҳмиёт, инсон зотиға муносиб ғўзал турмуш барпо этгиш юқоридаги омилларнинг ҳаётға кўчиши билан амалга ошади.

Бугун одамларнинг оғирини енгилик қилиш, уларнинг ҳаётини рози яшаш учун қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳар бир жаҳда буй кўрсатмоқда. Биргина 2017 йилдан бугунгунгунга қадар 400 мингга яқин хонадонли 8 мингта кўп қаватли уй барпо этилган. Бу рақамлар ортидан нафақат уй-жой муаммоси ҳал бўлмоқда, балки аҳоли бандлиги ҳам таъминланаётган. Шунингдек, куришиллар ортидан катта мавзелар, маҳаллар, замонавий ижтимоий иншоотлар пайдо бўлди. Улар одамларнинг севибли масканига, оёбод манзилга айланди. Биргина Янгиҳаёт тумани сўзимизга мисол бўлади.

Президентимиз Янгиҳаёт туманига ташириш чоғида бунга алоҳида уруғ берди: “Бугун келишимиздан мақсад — қабул қилаётган қарорларимиз натижасини, одамлар ҳаётини кўриш. Худди бу тумандагидай ҳар бир ҳудудни ривожлантириш, одамларга қўлайликлари ва иш жойларини кўпайтиришга ҳаракат қилишимиз. Шу билан бирга, таълим-тарбияга, маданиятга катта эътибор қаратилишимиз. Билим ва маънавий мустаҳкам бўлса, иқтисодиёт ҳам янги ривожланади”.

Янгиҳаёт қисқа вақт ичида аҳолиға ижтимоий хизматлар кўрсатиш, таълим ва кўплаб соҳаларда бошқа туманларға иборат бўларли натижаға эришмоқда.

Ислохот одимлари

Навбахор тумани — Зарафшон дарёсининг шимоли-шарқий қирғоғида жойлашган, шимолдан Нурота тоғлари билан ўралган манзил. Туман ҳудудида милоддан аввалги V аср — милодий IV асрларға оид археологик ёдгорликлар мажмуалари мавжуд. Учтўт қишлоғи яқинидаги қақмоқтош конлари, Сармишсой, Қораунгурсой ва Биронсой дараларидаги қойтош суратлари бу ҳудуд тарихида инсониятнинг муҳим манзилгоҳларидан бири бўлганидан далолат беради.

Олис тарих ва бугун ўртасида кўприк вазифасини бажариб турган бундай ёдгорликлар қадиждан ушбу ҳудудда юксак маданият ва тараққиёт бўлганини ҳам ифода этади. Бугун Навбахор туманида янги давр бошланди, десак янглишмаймиз. Туман тараққиёт сари юз тутиб, ижтимоий-иқтисодий соҳалар янада ривожланмоқда. Худудга хорижий инвесторлар ва меҳмонлар оқими орттиши тўғрисида кўрсатиш тармоқларида улкан ютуқлар кўлга киритилди.

Айниқса, жорий йил навахорликлар учун эса қоларли ютуқлар йили сифатида орта қолмоқда. Президентимизнинг туманга ташириш давомида аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган кўплаб истиқболли лойиҳаларга шарт берилиди, йирик соноат корхоналари ишга туширилди.

Қоровултепа маҳалласида иш бошлаган ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш корхонаси 2,5 гектар майдонда жойлашган. Ишлаб чиқариш қуввати йилга 9,5 минг тоннани таш-

— Рудакининг бир ажойиб гапи бор: “Бахт ҳавода эсмайди, меҳнатдан келади”. Меҳнат фаровон жамиятнинг қалитидир. Ўз вақтида ақлга таянган, одамларнинг оғирини енгилик қилишга қаратилган ҳар қандай меҳнат меvasини беради. Бунинг бирини Янгиҳаёт тумани мисолида кўришимиз мумкин, — дейди туман ҳокими Ҳаёт Иноғомов. — Қисқа вақт ичида қатор жабҳаларда натижадорликка эришилмоқда. Болаларни мактабга таълим ташкилотига қамраб олиш 2021 йил ҳолатига 37,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб, 74,6 фоизға етди. Аҳолиға тиббий хизмат кўрсатиш борасида ҳам ютуқларимиз талайгина. Жумладан, туманимизда биринчилардан бўлиб беморларни он-лайн рўйхатга олиш тизими жорий этилган.

ЯНГИҲАЁТ:

ИНДУСТРИАЛ САЛОҲИЯТ

ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТМОҚДА



2021 йилда 250 қатновга мўлжалланган 2 та оилавий поликлиника ҳамда 2022 йилда 1 та тез тиббий ёрдам станцияси қурилиб, фойдаланишга топширилган.

Бугунги кунда туманда 184 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. 2021 йил туманда ишсизлик даражаси 7,8 фоизни ташкил қилган. Жорий йилда инвестиция лойиҳалари, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида, курилиш йўналишида 20 мингта яқин иш ўрни яратилди. Бунинг ҳисобига ишсизлик 4 фоизга тушиши кутулиммоқда.

Дунёда глобал муаммолардан бири ишсизликдир. Юқоридаги рақамларнинг қиймати эса Янгиҳаёт тумани мисолида одамлар тақдирини, янаша тарихидаги ўзгаришларнинг ибтидоидир. Яқин йилларга ҳорижда ишлангани ўз тақдирини деб биладиган инсонлар ҳам топилади. Бу муҳим ўз-ўзини шаклланиб қолмаган эди. Чека ҳудудларида, туманларда иқтисодий ўсиш, соноат соҳаси деврили тўхтаб қолганди. Оқибатда эса қанчалар ватандошлар умри ўзга юртларда ўтди.

Тўғри, аксарият юртдошларимиз хорижга чиқиб ишлаш ортидан уйлар қурди, тўйлар қилди. Аммо маънавий йўқотиш-чи? Ора-



ҳолатини ўрганди. Қайтар мингта яқин юртдошимиз ватанга ҳайтиган. 300 дан зиёдининг бандлиги таъминланган.

Бир йилда 300 миллион сўм даромад

Жамият ўзгариши учун одамлар ўзгариши, одамлар ўзгариши учун эса таваққул ва дунёқарашини янгилаш кераклигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Бугун юз бераётган ҳар бир янгилини эпкинни, ҳаракати осонлик билан кечмаяпти. Муайян вақт ҳукм сургун муҳитда янги қарашларни илгари сурши осон эмас. Бунда, энг аввало, одамларни қийнаб келган масалаларни ўртаға ташлаш, уларға тўғри ва ҳолисона баҳо бериш керак. Энг муҳими, бу ерда эзгулик йўлидаги фикр ва ғоялар тўқнашувига катта уруғ берилади. Жамият ривожли, одамларнинг турмуш даражаси яхшиланишига, биринчи навбатда, эзгу ғоя ортидаги ислохотлар сабаб бўлади.

Давлат миқёсида камбағалликнинг расман тан олиниши ва уни қисқартириш борасида ҳуқуқий асос, қонун ҳужжатлари қўл қилиниши катта ҳодиса бўлди. Бугунги кунда бу йўналишга миллиардлаб маблағ ажратилиб, аҳоли фаровонлиги сари дадил қадамлар ташланмоқда.

Янгиҳаёт тумани аҳолисининг камбағаллик даражаси 2021 йили 10,6 фоизни ташкил қилган бўлса, жорий йил 6,6 фоизга туширилган. Бу натижадорликнинг асосий омилли турли дастурлар орқали ёрдам кўрсатилганидир. Жумладан, “Сайхунбод таърифи” асосида тумандаги мавжуд 30 та маҳаллага тижорат банклари бириктирилган. Дастурлар асосида ёрдам кўрсатилиши ҳисобига 300 га яқин оила камбағалликдан чиқарилган.

Янгиҳаёт туманидаги Сарбон кўчасида яшовчи Ақром Исоқов ўз томорқасида турли гул кўчатлари етиштириш билан шўғулланади. Банкдан имтиёзли кредит олиши ҳисобига тадбиркор йилига 50 минг донга гул кўчатини етиштириш қувватиға эга бўлди. Ақром ака маҳсулотини маҳалла ҳудудиға яқин жой-

лашган “Food city” савдо мажмуасида сотувға чиқаради. Тадбиркорда йиллик 300 миллион сўм даромад кўриши имкони борлигини эшитиб, тўғриси, ҳавас қилдим.

Жаҳонга йўл

Сўнгги йилларда Янгиҳаёт туманида кўплаб янги уйлар қурилиши, оиналар кўчиб келиши уларнинг бандлиги масаласини ўртаға ташлади. Шу боис, туманда янги соноат лойиҳалари ишга туширилмоқда. Бугунги кунда туманда 929 гектарда учта соноат ҳудуди — “ТХАЙ-ДУСТЛИК”, “Янгиҳаёт индустриал технопарки”, “Янги авлод” ташкил этилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 4 февралдаги қарори асосида барпо этилган “Янгиҳаёт индустриал технопарки” та 110 гектар майдон ажратилган. Ҳозир бу ерда қиймати 101 миллион долларлик 8 та корхона ишга туширилган, 520 та иш ўрни яратилган.

“Almetto Group” масъулияти чекланган жамиятида “Krember” бренди остида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Италия, Испания ва Туркиядан келтирилган илгор технология ўрнатилган бу корхонада йилга 20 миллион сўмлик 80 турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган. Маҳсулотларнинг 15-20 фоизи Хитой ва МДҲ давлатларига экспорт қилинади.

Бугун бу технопаркда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат ички бозорини сифатли маҳсулот билан таъминлаш, балки хорижға ҳам экспорт қилиш орқали жаҳон бозорига чиқаётгани тумanning мамаклатига соноатига ўз ўрни борлигини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 23 ноябрда технопаркка ташириш давомида тадбиркорлар билан учрашар экан: “Кейинги йилларда тадбиркорларға яратилган шартлолтар бугун ўз натижасини берипти. Узинимизнинг ишбилармонлар мана шундай кўп хилда ва юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаряпти. Бу имкониятларни ҳар йили кенгайтириб

борамиз. Чунки тадбиркор иқтисодиёт пойдевори, давлат таянчи”, деди.

Қиймати 21 миллион долларлик “Vega Modern Elektrical” корхонаси 600 турдаги кабель ва сим ишлаб чиқариш қувватиға эга.

Корхонада 60 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Йиллик қуввати 150 миллион сўмлик маҳсулотта тенг. Ҳозирги кунда Туркия, Озарбайжон, Афғонистон, Тожикистонға экспорт қилиш бўйича музокаралар ўтказилмоқда. Экспортнинг бир йиллик ҳажми 4 миллион доллар бўлиши режалаштирилган.

Бугун бошқа соҳалар қатори тадбиркорлар учун қўлайликлар яратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини туинглагани, баъзи маҳсулотлар бож тўловидан, солиқлардан овоз қилингани ҳам юртимизда иқтисодий ўсишға катта замин бўлмоқда.

Технопарк ҳудудида курилиш материаллари, электротехника, логистика ва хизмат кўрсатиш, тўқимачилик, озиқ-овқат соноати каби йўналишларда 386 миллион долларлик 46 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

“Mimam Group” компанияси томонидан икки қаватли мажмуа курилиб, кичик корхоналар ва хунармандларға муддатли тўлов асосида сотилмоқда. Уларнинг ҳар бирида алоҳида ишлаб чиқариш ва кўргазма майдонлари бўлади. Бугунги кунда шундай биноларда умумий қиймати 3 миллион долларлик 4 та лойиҳа — эшик-ролар, тўқимачилик маҳсулотлари, курилиш учун профилилар ва кўёш панеллари ишлаб чиқаруви корхоналар иш бошлаган.

— Технопаркда жойлашган корхоналар учун мутахассислар тайёрлашда дуал таълим йўлга қўйилади, — дейди “Янгиҳаёт” индустриал технопарки инвестиция лойиҳаларини мониторинг қилиш бўлими бошлиғи Раҳматжон Ботиров. — Умуман, технопаркда 2025 йилда қиймати 235 миллион долларлик 37 та, 2026 йилда эса 50 миллион долларлик 1 та лойиҳа ишга туширилади. Натижада 10 мингта янги иш ўрни ва 35 миллион долларлик экспорт имконияти яратилади.

Ўтган ўн ойда Янгиҳаёт туманида 3 мингдан зиёд аҳоли доимий ишға жойлаштирилган, ўзини ўзи банд қилган 6 минг шахс рўйхатдан ўтказилган.

“Янгиҳаёт” индустриал технопаркда қизгин кечаётган иш жараёни танишиб, бу ерда ишлаётган юртдошларимиз билан сўхбатлашар эканмиз, кўнгилга ўзгача бир шухуқ ўрлайди. Бугун бу одамларнинг қайсибир бири чет элда юриб, ўзга юртнинг машаққатидан қутулганга шукр қилса, яна бирининг ота-онасига рўзғор оқини тортишда елкадош бўлаётганидан мамнунлигини сезасиз. Энг муҳими, бугунги бунёдкорлик, яратилаётган имкониятлар одамларнинг турмушидан розилиғи, уларнинг янги марралар сари одимлашга замин бўлмоқда.

Технопаркдаги қақчиқанмида кун фарбға қараб ога бошланди. Метро томон ҳаракатлар эканман, ҳоким билан ёзиб олинган сўхбатини яна бир қур эшита бошлайман. “Туманда 2021 йилда жалб этилган инвестициялар миқдори 1 тринион 791 миллиард сўм, 2022 йилда 1 тринион 862 миллиард сўм, 2023 йилда 1 тринион 968 миллиард сўми ташкил этган.

Жорий йилнинг январь-октябрь ойларида 53 та лойиҳа ҳисобига жами 2 тринион 524,7 миллиард сўм инвестиция жалб қилинган бўлса, йил якуниға қадар ушбу кўрсаткич 3 тринион 685,6 миллиард сўмға етказилади”.

Бу рақамлар ортида қанчалар инсонларнинг фаровонлиғи ортиб, турушмида бўлаётган ўзгаришларнинг кўз олдиниға келтириб кўриняпти. Тўғри, ҳали кўп тер тўкиб меҳнат қилишимиз керак. Аммо шу каби эзгу мақсадлар йўлида аллақанда дадил қадамлар ташланяпти. Бу эса жаҳон муҳим жиҳат.



ЛОЙИҲАЛАР ИШСИЗЛИККА БАРҲАМ БЕРАДИ

қил этади. Корхона Хитой ва Туркия технологияси асосида ишлайди ва бир кунда 200 тонна хомашё қайта ишланади. Махсуус лаборатория фаолияти йўлга қўйилгани эса маҳсулотларнинг юқори сифатини таъминлайди. Айни вақтда корхонада 80 га яқин киши иш билан банд.

Шунингдек, туманда туркиялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда очилган, қиймати 5,5 миллиард сўмға тенг “Mengi tekstil” корхонасида текстиль маҳсулотлари ва чарм-пойабзал ишлаб чиқарилмоқда.

— Ушбу корхонада эркаклар ва аёллар учун 100 турдаги пойабзал буюмлари ишлаб чиқаряптиз. Маҳсулотларимиз жуذا сифатли. Шу боис, барчаси экспорт қилинади. Технолоғиялар Хитой ва Туркиядан келтирилган, энергиятежамкор, ортқиқа меҳнат талаб қилмайди. Туркиядан келган мутахассислар маҳаллий ҳодимларға замонавий технолоғиялар билан ишлангани ўргатмоқда.



Пойабзал цехининг ўзида 60 га яқин ишчи ишлайди. Уларнинг кўпи шу яқин атрофдаги маҳаллада яшайди. Ишчиларнинг саломатлиги, ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратамиз. Яқинда мамлакат Президенти корхонамизға келиб, фаолиятимиз билан таниди. Ишчимизни янада ривожлантириш бўйича тақлифларини берди. Келгусида Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам шундай корхоналар очмоқчимиз. Яратилган шароит ва эътибор учун миннатдорлик

билдираимиз, — дейди “Mengi tekstil” корхонаси таркибидидаги пойабзал цехи раҳбари, туркиялик ишбилармон Бешар Мўйран.

“Mengi tekstil” корхонасидаги 400 та янги иш ўрниға тумандаги ишсиз фуқаролар, “Аёллар дафтари” ва “Ешлар дафтари”да рўйхатда турган хотин-қизлар қабул қилинган.

Навахор тумани Нурота тоғлариға ёндош бўлгани сабабли сўнгги йилларда бу ерда ҳам соноатнинг тошға ишлов бериш йўналиши ривожланмоқда. “Granite Stone Industry” корхонаси

ана шундай гранит тошларни қазиб олиш ва қайта ишлашға ихтисослашган янги лойиҳалардан. Хитой технологияси асосида ишга туширилган корхонанинг йиллик гранит қазиб олиш қуввати 220 минг куб метрни ташкил қилади.

Давлатимиз раҳбари Навбахор туманида бўлиб, шу каби янги йирик соноат корхоналарини ишга тушириш орқали ҳудудда бандлик дастурни ижросини таъминлашға эътибор қаратган, 2025 йил учун аниқ ва манзилли топшириқ берган эди. Шунга қўра, туман сектор раҳбарлари ҳам келгуси йилдаги режаларини белгилаб олди.

Жумладан, туманда қатор лойиҳаларини ишга тушириш орқали 23 мингдан зиёд янги иш ўрни очини кўзда тутилган. Ҳозир шу мақсадда қишлоқ хўжалиги, соноат ва туризм йўналишида 50 та йирик лойиҳа танлаб олинган.

— Жорий йилда туманимизда тадбиркорлик субъектлари 400 тага ошиб, қарий

3 мингтани ташкил этмоқда, — дейди Навбахор тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Мурод Жумабоев. — Бугун 332 та соноат, 2178 та хизмат кўрсатиш корхонаси фаолият юритмоқда. 2024 йилда туман экспорт режаси 24,5 миллион доллар бўлиб, йил якуниға қадар 30 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинишиға эришамиз. 2025 йилда бу борада маррани янада катта олиб, 100 миллион долларлик маҳсулот экспортини мақсад қилганмиз. Туманимизға хориж инвестициясини жалб қилиш бўйича қатор давлатлар вакиллари билан ҳамкорлик ўрнатяптиз. Худудда инвесторлар учун қўлай бизнес шароити ва жойлабдор имкониятлар яратилган. Айни вақтда туманимиздаги 41 та маҳаллага мутасадди ташкилот раҳбарлари бириктирилган бўлиб, ишсизликдан холи ҳудудға айлантириш бўйича амалий ишлар бажарилмоқда. Бу жараёнда эҳтиёжманд оиналарни камбағалликдан чиқариш ва миграциядан қайтган фуқаролар бандлигини таъминлашға алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугун Навбахор туманида кўплаб лойиҳалар ишга туширилгани соҳалар учун малакали мутахассисларға эҳтиёжини ҳам оширмоқда. Шунини ҳисобға олган ҳолда, тумандаги Бешработ шаҳарчасида жойлашган касб-хунар мактаби негизида Навбахор 2-политехникуми ташкил этилди. Ушбу таълим максадида йирик соноат корхоналари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, мутахассислар тайёрланмоқда. Эътиборлиси, политехникунинг ўзида тадбиркорлар томонидан кичик цехлар очилиб, ўқувчилар назарий билимини амалиётда қўллаш имкониға эга бўлмоқда. Бу юртма асосида ишлаб чиқарилаётган турли маҳсулотлар сотувидан тушган маблағ ҳисобидан ўқувчиларга иш ҳажмиға қараб ойлик маош берилмоқда.

Мамлакатимизда аҳолиға муносиб турмуш шароити яратиб бўйича ҳар бир ҳудудда тизимли ишлар қилинмоқда. Навбахор туманидаги янгилининг жараёни ушбу фикримизға яққол мисол бўла олади.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

Юртимизда ёшлар масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бугун уларнинг ўз иқтидори, билим ва салоҳиятини намоён этиши учун ҳуқуқий кафолатлар яратилди. Тўлақонли билим олиши, касб-ҳунари бўлиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши учун барча имкониятлар сафарбар этилмоқда. Қўйингки, ёш авлоднинг шахс сифатида камол топиб, фаровон келажагини бунёд этиши учун барча шароитлар мавжуд. Сўнгги йилларда юртимизда ёшлар билан ишлашнинг ноёб тизими яратилди, десак муболаға бўлмайди.

Чори МИРЗАЕВ,
“Туронбанк” АТБ бошқаруви
ранси

ЁШЛАР

қилиш, жисмоний тарбия ва спортга қизиқишни рағбатлантириш мақсадида турли спорт турлари бўйича “Раис кубоги” мусобақалари ташкил этилаётди. Бу ёшларнинг спортга қизиқишини ошириш билан бирга уларда дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини кучайтиришга ҳам сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, ёшлар маънавиятини бойитиш, китобга қизиқишини юксалтириш бўйича тадбирлар ташкил қилинмоқда. Зеро, теран фикрлик, кенг дунёқарашга эгаллик замонавий кадрларга қўйилаётган талаблардан бири саналади.

Талабалар ҳали ўқишни битирмай, мутахассис сифатида ишламоқда

Юртимизда ёшлар, аввало, интеллектуал куч, ривожланишнинг муҳим драйвери, инновация ва голяр ижроси ҳисобланади. Шунинг учун уларнинг таълим, бандлиги ва муносиб даромадга эга бўлиши бугунги ислохотларнинг бош мақсади айланди. Айни шу йўлда давлатимиз раҳбари олий таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро интеграция жараёнларини йўлга қўйиб, соддароқ айтганда, йирик таълим кластерини яратиш бўйича ноёб ташаббусни илгари сурди. Президентимизнинг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларнинг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу йўналишдаги ишларни йўлга қўйишда биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилди ва биринчилардан мазкур гоярнинг реал ифодасини ўз фаолиятимизда акс эттиришга ҳаракат қилдик. Жумладан, 2018 йилдан олийгоҳларда молия ва иқтисодиёт йўналишида тахсил олаётган 2-3-босқич талабаларини махсус тест синовлари ҳамда суҳбат асосида кадрлар захирасига киритиб, уларни амалиётга жалб этидик. Тестлардан муваффақиятли ўтган ёшлар билан махсус комиссия аъзолари алоҳида суҳбатлашиб, энг иқтидорли ва интилувчан ёшлар танлаб олинди. Мазкур лойиҳа доирасида талабалар назарий билимларини амалиётга қўллаш, тажриба ошириш, амалиёт ўташ даврида муайян иш ҳақи олиш ва ўқишни тамомлагач, бизнинг тизимда ишлаш имкониятига эга бўлди.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, олий ўқув юртида ўқиш давридаёқ банк жамоасига қўшилиб, етарли тажриба ва кўникма ҳосил қилган интилувчан ёшларнинг салкам



ДАВРНИНГ АСОСИЙ ИШТИРОКЧИЛАРИ



3-босқичдан бошлаб талабага банкда ярим ставкада ишлаш имконияти ҳам тақдим этилди. Улар турли тадбирларда иштирок этиб, молия муассасасида ёшлар учун яратилган кенг имкониятлардан фойдаланиши мумкин. Энг асосийси, ўқишни тавомлагач, талабаларнинг “Туронбанк” да иш билан таъминланиши кафолатланган. Ушбу лойиҳа доирасида Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислиги институти” Миллий тадқиқот университети, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети, Андижон машинасозлик институти, Фарғона политехника

институти ва бошқалар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ҳозирга қадар 190 талаба мазкур стипендия соҳибига айланди.

Олий таълим билан интеграция

Кучли ижтимоий сиёсатда ёшлар тарбияси ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муҳим устувор йўналишдир. Уларга сифатли таълим бериш, касб эгаллашга шароит яратиш, интилушларини қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Олий таълим муассасалари билан интеграциялашув тадбирларини муваффақиятли амалга ошириш мақсадида “Туронбанк” АТБ Тошкент давлат иқтисодиёт университети, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислиги институти” Миллий тадқиқот университети ҳамда Қорақалпоқ давлат университети билан ҳамкорликда махсус ўқув-экспериментал база сифатида “смарт ўқув хоналари”ни ташкил қилган.

Уларда ҳафтанинг шанба кунлари талабалар банкнинг етакчи раҳбар ходимлари томонидан режа-график асосида ўтказилаётган очик дарслар орқали амалиётдаги иш услублари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлади. Бу билан банк раҳбар ходимлари ҳам ўз устида ишлаш, дарс бериш тажрибасини ошириш ҳамда моддий манфаат олиш имконияти пайдо бўлди.

Мазкур лойиҳа 2019 йилда йўлга қўйилган бўлиб, ҳар йили очик мулоқот тарзида 50 тадан кўпроқ дарс ташкил этилади ва уларда ҳар сафар 20-30 талаба иштирок этади. Бу, албатта, назария ва амалиётнинг ижобий уйғунлашувига катта ҳисса қўшмоқда.

“Заковат” ўйинлари ёшлар билимини синовдан ўтказди

Илм-фан ривожига қаратилаётган эътибор қўламини сайин кенгайтирмоқда. Ёшларнинг ақл-заковатини оширадиган, иқтидорини рўёбга чиқарадиган лойиҳалар изчил қўллаб-қувватланаётгани, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган ҳар қандай ташаббус рағбатлантирилаётгани янада қувонарли.

Президентимизнинг 2022 йил 20 январдаги “Заковат” интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан белгиланган вазифалар ижроси доирасида 2022 йилдан буён “Заковат интеллектуал клуби” нодавлат ношароит ташкилоти билан ҳамкорликда “Заковат” интеллектуал ўйинлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

2024 йил давомида Бухоро, Фарғона, Самарқанд вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида “Заковат” ўйинларининг худудий босқичлари ўтказилиб, уларда 800 нафар раҳбар ва ходим иштирок этди. Тизимда фаолият юритаётган барча ходимларни қамраб олиш мақсадида ўйинлар турли босқичларда ташкил этилади. Финал босқичида эса 6 нафар ходимдан иборат энг кучли 3 та жамоа танлаб олинди ва голий жамоаларнинг ҳар бири аъзосига қимматбаҳо эсдалик совғалар ҳамда пул мукофотлари тақдим этилди.

“Заковат” интеллектуал ўйинлари ёшларнинг билими ва мантиқий фикрлаш қобилиятини янада ривожлантириш билан бирга ходимларнинг бир манзилда жам бўлган ҳолда ўзаро фикр алмашиши учун ҳам қўлай имконият яратди. Мазкур тажрибани ходимларнинг ўз устида ишлаш ва уларга мотивация бериш учун 2025 йилда ҳам давом эттиришни мақсад қилганмиз.

Соғ ганда соғлом ақл

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида катта эътибор қаратилиб, етарли шароитлар яратилган. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам бу борадати ишлар қўламини кенгайтириш мақсадида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланган ёшлар қамровини кенгайтириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу каби кенг қўламли ишларга биз ҳам ўзимизни дахлдор деб биламиз ва муносиб ҳисса қўшиш мақсадида ходимлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, турли спорт мусобақаларини ташкиллаштиришга алоҳида эътибор қаратамиз.

Жумладан, ходимлар орасида футбол, шашка, сузш, стол теннис ва шахмат сингари спорт турлари бўйича турнирлар ўтказиш аниана тусига кирган. 2024 йил давомида ўтказилган спорт мусобақаларида, хусусан, стол теннис бўйича 60, шахмат, шашка ўйинларида 55, сузшда 60, футболда эса 200 га яқин ходим иштирок этган.

Турнирлар давомида голийбағра қимматбаҳо эсдалик совғалар ҳамда турли спорт тўғараклари учун йўланмалар тақдим этиб борилади. Бундан ташқари, “Туронбанк” мамлакатимизда шахматнинг янада ривожланишига ҳисса қўшиш мақсадида

Марказий Осиёда энг ёш халқаро гроссмейстер сифатида танилган, Жаҳон 44-шахмат олимпиадаси голийби ва “Ўзбекистон ифтихори” медали соҳибига Жаҳонгир Воҳидов билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Айни пайтда Ж.Воҳидов “Туронбанк” АТБ брендининг расмий элчиси сифатида фаолият юритади.

“Туронбанк” Ўзбекистонда француз бокси — саватни омаллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратган. Юртимизда мазкур спорт турини омаллаштириш, ёшларни қизиқтириш йўлида тизимли ишлар йўлга қўйилган. Хусусан, жойлардаги фойдаланилмаётган ва бўш турган майдонлар таъмирланиб, 300 йилдан кўпроқ тарихга эга саваб спорт тури билан шуғулланиш учун ёпиқ спорт заллари ташкил этилмоқда.

Ҳозирги кунга қадар мазкур спорт тури билан 1300 дан зиёд ёш шуғулланмоқда ва улар Осиё ҳамда жаҳон чемпионатларида муваффақиятли иштирок этди. Айни дамга қадар Ўзбекистон жамоаси 80 та олтин, 72 та кумуш ва 93 та бронза медалини қўлга киритган.

Маънавий — янги уйғониш сари йўл

Ёшларнинг маънавий-маърифий салоҳиятини ошириш мақсадида жойларда 20 дан ортиқ кутубхона ташкил этидик. Уларда турли жанрлардаги 10 мингга яқин адабиёт мавжуд ва китоблар фонди доимий бойитиб борилади. “Туронбанк” юртимизнинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётда ҳам фаол иштирок этади. Мисол учун, республикада китобхонлик маданиятини сақлаб қолиш ва ёшларнинг орасида китобхонликни кенг тарғиб этиш мақсадида “Туронбанк” АТБ томонидан пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги “Янги Камолон”, Учтепа туманидаги “Янгиёул”, Яншобод туманидаги “Бобгон”, Юнусобод туманидаги “Туркистон”, Миробод туманидаги “Фитрат”, Мирзо Улугбек туманидаги “Олий ҳиммат”, Чилонзор туманидаги “Новза” маҳалла фуқаролар йиғинларида кутубхоналар ташкил этилиб, улар бадийий, илмий ва жаҳон адабиётининг дурдона асарларидан иборат умумий ҳисобда 3000 данга яқин китоб билан таъминланди.

Маҳаллалардаги кутубхоналарда замонавий ва қўлай мебель жиҳозлари, китоб жамоалари ҳамда компьютер жамланмавлари мавжуд. Асосийси, ҳар бир маҳалладан 1-2 нафардан ишисиз фуқаро иш билан таъминланиб, кутубхоналарга ишга қабул қилинди. Айни дам ҳар бир маҳаллада 70-100 нафардан зиёд китобхона кутубхонада мавжуд китобларни мутолаа қилиб келмоқда.

Ёшларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштироки

Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги билан имзоланган ҳамкорлик меморандуми доирасида “Ustoz AI” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Унга мувофиқ, 2 миллиондан ортиқ ёшга асосийси, ҳар бир маҳалладан бепул ўргатиш мақсад қилинган.

Мазкур лойиҳанинг кенг қамровли тақдимот маросими жорий йилнинг 3 август кунини Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтди ва лойиҳа доирасида 20 га яқин соҳани қамраб олувчи 350 дан ортиқ видеодарслик яратилди. Бугунги кунга 156 мингдан зиёд ёш лойиҳа доирасида бепул билим олишни бошлади. Шу билан бирга, мактаблар, академик лицейлар, YouTUBE платформасида молиявий махсулотлар ва хизматлар хусусиятларини ёритиб беришни видеомаатериаллар жойлаб борилади.

“Туронбанк” АТБ Учтинчи Ренессанс пойдеворининг бунёдкорлари бўлган бугунги кун ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим олиши, ўз иқтидорини намоён этиши ҳамда малакали кадрлар тайёрлаш бўйича қўлай шарт-шароитлар яратиш йўлида янги лойиҳаларни амалга оширади ҳамда 2025 йил — Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йилида ҳам мамлакатимиз молия бозорининг ривожини ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишда давом этади.



100 нафари бугун департамент директори, бошқарува ва бўлим бошлиғи, ҳатто юқори бўғин раҳбари сифатида фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги кунга қадар мазкур лойиҳага 300 дан зиёд талаба қамраб олинган.

Эксклюзив лойиҳа ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган


2022 йилдан эътиборан, “Туронбанк стипендияси” таъсис этилганининг мотивация аҳамияти шундаки, унинг доирасида олий таълим муассасаларида молия ва иқтисодиёт йўналишида тахсил олаётган энг иқтидорли, олий таълим муассасаларига юқори балл тўплаб ўқишга қабул қилинган ёшлар танлаб олинди, ўқиш якунига қадар уларга ҳар ойлик махсус стипендия жорий этилди ва тўлов-контракт пуллари тўлаб берилди.

Шу билан бирга, лойиҳа доирасида талаба нафақат назарий билимларини эгаллаши, балки амалиётни ҳам мустаҳкамлаши лозимлигини инобатга олиб, таълимнинг



Президентимизнинг 2022 йил 20 январдаги “Заковат” интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан белгиланган вазифалар ижроси доирасида 2022 йилдан буён “Заковат интеллектуал клуби” нодавлат ношароит ташкилоти билан ҳамкорликда “Заковат” интеллектуал ўйинлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Беш йил аввал Бўстонлик туманида 2240 ўринли 26 та маскан бўлган бўлса, шу даврда соҳага 2 триллион сўмдан зиёд инвестиция киритилиб, 13 мингдан кўп ўринга эга 59 та йирик туризм иншооти ишга туширилди. Асосий автомобиль йўли таъмирланиб, кўшимча йўллар қурилди. Буларнинг натижасида туризм жадал ривожланди, таъшир буюрувчилар 12 баробар ошди.



ЙЎЛДАГИ ОДАМ

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ 6 ДЕКАБРЬ КУНИ ТОШКЕНТ – ХЎЖАКЕНТ ЙЎНАЛИШИДА ЯНГИ ЭЛЕКТРОПОЕЗДНИ КЎЗДАН КЕЧИРДИ, УШБУ ПОЕЗДГА ЧИҚИБ, ҲАРАКАТЛАНИШИ ВА ҚУЛАЙЛИКЛАРИНИ КЎРДИ.

Сафар чоғида давлатимиз раҳбари темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш, йўловчилар учун шароитларни яхшилаш, темир йўллари электрлаштириш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш бўйича мутасаддиларнинг ҳисоботларини тинглади. Мутасаддилар олдида бир қатор вазифарларни қўйди. Тошкент – Хўжакент электропоезди халқимизга қандай қулайликлар беради? Аҳоли бу йўналишдан мамнунми? Биз Хўжакентга сафаримиз давомида бу каби саволларга жавоб олдик.

Деразага яқин ўриндиққа жойлашар эканман, йўл очерки, саёҳат очерки аввал сира ёзмаганим учун гапни нимадан бошлашни билмай туриш эдим. Хўжакент йўлида фақуллода қизиқарли нимадир содир бўлишига умид боғлар, аммо ичим бўшаб қолган кўздаек тим-тирс эди. Шу даражада тарқоқ фикрлардимки, қаршимда жимгина китоб мутолаасига шўнган аёлнинг саҳифаларни кетма-кетликда, оҳиста очиши ҳам гашимга тегар, қасда-қасд вагондаги гага-говур забтига оларди. Шу чоғ атрофни болакинчи баланд овоздаги йиғиси тугди. Ҳама қатори қизиқсиниб орта ўтирилди: тахминан 3-4 ёшлардаги бола нимадир баҳонасизда онасига хархаша қилди. Аёл ёш, биринчи фарзанд шекили, овутининг эпини қилмас, атрофдагилар қўлдан келганча чалғитиб, кайфият уйғотишга уринаётган бўлса-да, ўжар болақай ҳали-бери қўнайдиган эмас. Очиги, ҳаммаси чапмасига кетётгани учун кайфиятим бузилди, ёшига ҳафса қолмади. Ичимдан нега хоҳламаса ҳам болаларни бундай сафарларга олиб чиқарар экан, она ҳам, бола ҳам айлангандек бўлмайди, етмаганга бошқаларга ҳам халақит беради-ку, деган китимир фикр бевўҳтов айланир экан, бу ёқимсиз ўйни ёнимдаги аёлга ҳам зарда билан айтиб юборганимни сезмай қолдим.



Азизбек ЮСУПОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

(Очерк)

у атрофдаги ўзгаришлар, дейлик, мана бу электропоезднинг қулайлиги, ранги, йўловчилар, темир йўл бўйидаги фаслар алмашишувига мос яшиллик ёки оқлик, тоғлар, қад ростлаган ва ростлаётган биноларга жонли гувоҳ бўлади. Бу улгайгандан сўнг унинг улгайгунига қадар бўлган даврда нималар ўзгаришини яққол фарқлашга ёрдам беради. Узимдан мисол, бир неча ўн йиллар олдин совуқ, ёғочли ўриндиқларда тиқилиб, куниниб ўтирдик, деразадан томоша қилиб кетиш учун айтарли манзара ёки биноларнинг ўзи йўқ эди, ходимларнинг муомаласи кўрс, баъзида ходимларнинг ўзи йўқ бўларди. Нимадир юз берса, кимдан маслаҳат олишни билмасдим. Ҳама тушкун, асабий, қаергадир шошган... Бугун ўша пайтдаги беҳаловат кечган сафаримни ҳузур билан фарқ шундоқ қафтимга сирғалиб тушади. Ўз кўзингиз билан кўрган тарих — энг ишончлиси. Шунинг учун, эътибор берсангиз, ёши улуг одамлар бутунги шарт-шароитдан ёшлардан кўра кўпроқ рози, миннатдор.



Ҳажим йўловчи билан суратлар.

бери. Бунинг учун айнан бошқа давлат бўлиши шарт эмас, юртимизнинг ўзида турли қадрият ва маданиятга эга эллар бор, одамлар бор, — дейди Лайло Турдубоева энди буткул мутолаани четга суриб. У диққат-эътиборини ўзинга қаратган, тўлиб-тошиб гапирётганини белидан узмаслик учун индамай, янги нарса ўрнаётган ўқувчи-дек завқ билан эшитиб борардим. — Агар бола бир неча маданият билан тўқнаша, ҳис-туйғуларини рағбатлантирадиган янги таърибалар уларнинг ижодий жараёнида муҳим воситига айланади. Кўп маданият-ли таъриба боланинг билим жараёнларини

сўнг нега шу нарса олдин ҳаёлимга келмаганидан ҳайрон бўлдим. Аслида, мен кайфиятга мослаб, бўлажак сафаримдан фақат камчилик, нуқсон излаш учун йўлга чиққанимни, қарорин бошиданроқ нотўғри қабул қилганини тушунидим. Албатта, кўкка кўтарил мақташдан манфаат йўқ, аммо бўлаётган ишлар ҳақида борича ёзмалик ҳам тўғри эмас. Энди нима қилишни аниқлаб олдим,

Тошкент атрофида ҳам электрлашган йўл қурилиб, поездларни ўтказиш имконияти 30 фоз ошди. Мана, яқин кунлардан бери эса Тошкент — Хўжакент йўналишида янги электропоезд қатновга қўйилди. 6 декабрь кунини давлатимиз раҳбари ушбу поездга чиқиб, унинг ҳаракатланишини кузатди.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ Ўқиш учун QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



ўқитиладиган, турли маданиятлардан янги истиқболларни ўзлаштириш уларга ўз ғоялари ва онгини кенгайтиришга ёрдам беради.

шарт ҳодисадек қабул қилинади. Қаранг, биргина сафар бир неча авлоднинг руҳиятини аналга шаша қанчалик ёрдам беради. Сиз эса ичингиздаги беқарорликни, илжоз бўлса, ҳеч нарса қилмасликка мойил феълингиздаги лангликни шу ёшда инжиклик қилиши табии бўлган болақайдан қўриб ўтирибсиз...

Саёҳат боланинг эмпатиясини, ҳамдардликни, тушунишини ва инсонларга нисбатан хабардорлигини чуқурлаштириди, ҳаётини янада бойитадиган одамлар билан танишиш имконини беради. Сафар ота-оналар ва болаларни янада яқинлаштириб, тушуновчиларга барҳам беради. Яна бир нарса айтганим, боланинг хотирасини кучли бўлишини сиз ҳам яхши биласиз,

Лайло опа қўпол тарзда ифода этган шикоятима вазиимлик билан теран ўйлаб берган жавоби нафақат ўзимдан уялишимга сабаб бўлди, балки кайфиятимни кўтарилди, аллечуқ хотиржам тортишимга ҳам ёрдам берди. Ўзгаришлар борасидаги гапларидан

— Саёҳат орқали бола турли маданиятлар билан тўғридан тўғри алоқада бўлиб, уларга тарихни кашф қилиш, жойлашув ҳақидаги умумий маълумотларни, шу жумладан, урф-одатларини ўрганиши имкониятини



вақтини бой бермай дедим-у, ҳали поезд ҳаракатланмасидан бурун бу янги электропоезд, темир йўл таъмири, умуман, амалга оширилган ва қўзланган режалардан бо-хабар бўлиш учун мутахассисни излашга киришимди.

Сафар чоғида Шавкат Мирзиёев Тошкент ва Хўжакент оралиғидаги темир йўлга ташташ майдонларини 2025 йилги реновация дастурига кириштириб, уларни тартибга келтиришга кўрсатма берди. Йўналишдаги эгри қисملарни тўғри қилиб қайта қуриш орқали кунлик экспресс поездлар қатновини кўпайтириш ва кўпроқ йўловчиларга хизмат кўрсатиш учун шароит яратиш топширилди. “Яшил макон” лойиҳаси доирасидаги ишлар ҳам муҳокма қилинди. Темир йўл четларини кўзалаштириш, сув ресурслари чекланган ҳудудларда хоржижий таъмир асосида қургочликка чидамли ўсимликларни экин зарурлиги қайд этилди.

Президентимизнинг 2023 йил 10 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти трансформация қилинмоқда. Жамият таркибиди инфратузилма, вагон хизмати, йўловчи таъшир каби билан шўғуланувчи 6 та мустақил корхона иш бошлади. Поездлар парки ҳам кенгайтирилиб, йўловчи таъширда аҳоли ва сайёҳларга қулайликлар оширилмоқда. Қўриб турганингиздек, янги, замонавий, мустаҳкам поездлар олиб келинди. Бундан ташқари, Тошкентдан Самарқанд, Бухоро, Қарши каби тарихий шаҳарларимизга “Афросиёб” электропоездлари қатнови кўпайтирилди, — дейди “Шаҳар атрофида йўловчи таъшир” МЧЖ директори ўринбосари Дилмурод Убайдуллаев. — Утган даврда юртимизда 3 минг километрдан зиёд темир йўл электрлаштирилди. Бухоро — Урганч — Хива темир йўл тармақларини электрлаштириш ажойиб босқичда. Мискин — Нукус йўналишида ишлар жадал давом эттирилмоқда.

Хозир сизга худди бир неча рақамларни ҳиссиз тарзда ифодалаб бераётгандек кўри-нишим мумкин, аммо ишонинг, шахсан ўзим ҳам бу нарсдан хурсандман. Ушбу электропоездларнинг йўлга қўйилиши — соҳада катта силжиш. Ўз кўзингиз билан гувоҳи бўлиб турибсиз, вагонлар шинама, ёрғу ва иссиқ, Деразасидан изгирини ўтмайди, ўриндиқлар на ўтириб, на ётиб бўладиган ҳилдан эмас, юмшоқ, тоза. Дарвоқе, ўриндиқлар сони нақ 586 та. Тик турган ҳолатда 1472 йўловчини сиғдира олади. Видеокузагув



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти ДМ
Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
Тахририятга келган қўлёзма тарқиз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг ётақиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъшилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 4469.
Ҳажими — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.
“Колограк” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манлиси: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар қўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (71) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳих: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Зафар Рўзиев
Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
ЎЗА яқуни — 21:00 Тошпириди — 00:10